КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

2008 ЙИЛ, 17 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 204 (11.265) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ўқитувчилар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Курс самарадорлиги амалда: тажриба ва муаммолар» деб номланди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан шаҳримизда «Ёшлар маънавиятининг шаклланишида маҳалланинг ўрни» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида маҳаллалар фаоллари, ёшлар, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари иштирок этишди.

● **БУГУН** Ўзбекистон тарихи Давлат музейида Республика Маънавият-тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан Республика Маънавият-тарғибот маркази ва марказнинг Тошкент шаҳар бўлими, Юнусобод туман Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар ижодий уюшмаси, Тошкент шаҳар Адлия бош бошқармаси, Юнусобод туман «Оила» маркази, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари вакиллари иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Тилга эътибор — элга эътибор» деб номланди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*



**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА 16 ОКТЯБРЬ КУНИ «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМИ» XIV ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ.**

## ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ



"Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирнинг очилишида Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, соҳа мутахассислари, олим ва экспертлар ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси З.Ҳакимов очган тадбирда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳалар сингари сайёҳлик соҳаси ҳам изчил ривожланаётгани, Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз ўзининг ноёб тарихий обидалари, бетакрор маданияти ва анъаналари ҳамда гўзал табиати билан сайёҳларни тобора кўпроқ жалб қилаётгани қайд этилди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайёҳлик инфратузилмаси йил сайин такомиллашиб, спорт, маданият, экология ва тарих билан боғлиқ янги туристик йўналишлар ривожланмоқда. Юртимизда янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилиб, кўплаб замонавий меҳмонхоналар қурилгани, мавжуд йўллар таъмирланиб, кенгайтирилгани, янгилари барпо этилгани соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

Азим Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи арафасида ўтказилаётган "Буюк Ипак йўли туризми" XIV Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркасидан кўзланган асосий мақсад жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан кенг таништириш ва хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

1995 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка сайёҳлик соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё миқёсидаги йирик халқаро анжумандир. Ушбу тадбир мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг самараси бўлиб, сайёҳлик соҳасини янада такомиллаштириш ва чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратади.

***(Давоми 2-бетда).***

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**16 ОКТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЖЛИСНИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ СПИКЕРИ Д.ТОШМУҲАМЕДОВА ОЛИБ БОРДИ.**

Иккинчи ўқишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг аъзоси О.Ўсаров маъруза қилди. Савол-жавоблардан сўнг ҳужжат моддама-модда муҳокама этилди, муҳокама чоғида амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ноширлик фаолияти соҳасидаги муносабатлар тартибга солинишини янада равонлаштириш, нашриётлар таъсис этиш ҳуқуқини тартибга солувчи қатор ҳуқуқий нормаларни аниқлаштириш, шунингдек, амалдаги ҳуқуқий нормаларни мамлакатнинг бошқа қонунлари, ушбу соҳадаги халқаро стандартлар қоидаларига мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида киритилаётганлиги таъкидланди. Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси Б.Соатов тақдим этди. Ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси давомида сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажараётганда унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш бўйича фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасида ишончли ҳуқуқий база яратиш муҳимлигини таъкидладилар. Қонун лойиҳасида иш берувчининг, суғурта қилувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, ходимнинг ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилган. Билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Р.Зарипова «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164–II-сонли Қарори билан тасдиқланган Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида Низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июнда қабул қилинган Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилиши муносабати билан таклиф қилинди. Савол-жавоблардан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг «Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳалари тўғрисида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси А.Эрдонаев маъруза қилди. Қонун лойиҳалари Ўзбекистонда дебиторлик қарздорлиги тузилмасини такомиллаштиришнинг бозор механизмини шакллантириш ва ривожлантириш, муаммоли қарзларни ундириш бўйича ишларни мунтазам ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир. Савол-жавоблардан ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳаларининг концепциясини маъқуллаб, уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Р.Ҳаитов депутатларга «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Савол-жавоблардан ҳамда сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари сўзга чиққан муҳокамадан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2005–2007 йиллар ва 2008 йилнинг тўққиз ойи давомидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот билан мазкур Қўмита раиси А.Турсунов сўзга чиқди. Қўмита мамлакат мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий асосларни яратиш ва қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш борасида муайян ишларни амалга оширганлиги таъкидланди. Ҳисобот муҳокамаси якунларига кўра Қўмитага қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг, шунингдек, мамлакат мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг моҳиятини тушунтириш ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш топширилди.

Депутатлар ҳисобот муҳокамаси якунлари юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар.

**(ЎзА)**

## 2008 – Ёшлар йили

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР УСТУВОР ЎРИН ТУТАДИ. ЁШЛАР ЙИЛИДА БУ БОРАДА КЎПЛАБ ДАСТУРЛАР, ҚАРОРЛАР ВА БОШҚА ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТИР.**

## НАВҚИРОН АВЛОД ЭЪТИБОР ВА ҲИМОЯДА

Жорий йилнинг 28-29 октябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган "Инклюзив таълим ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари" мавзуидаги халқаро форумда ёш авлод манфаатлари ижтимоий ҳимоя, таълим тизимларининг ажралмас қисми бўлмиш инклюзив таълимда қай тарзда ўз ифодасини топаётгани атрофлича муҳокама этилади.

Вазирлик ва идоралар билан фуқаролик институтлари, турли жамоат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар, экспертлар ўртасидаги узвий ҳамкорлик юртимизда ёшлар манфаатларини ифодаловчи, аниқ ва манзилли йўналтирилган ижтимоий чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда. Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази ва "Sen Yolg"iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан ҳамда бир қатор вазирликлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида, шунингдек, ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида 2004 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинаётган бундай халқаро форум ва конференциялар ана шу ҳамкорликнинг ёрқин мисолидир.

Болаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича ўтказилаётган ушбу тадбирларда юртимизда навқирон авлод манфаатларини таъминлашга йўналтирилган кенг кўламдаги ишлар атрофлича таҳлил этилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича фикр алмашилади.

Ота-она меҳридан бебаҳра болаларга алоҳида эътибор қаратиш ва уларни оила шароитида вояга етказиш тизимини ривожлантириш, боқувчисиз қолган гўдакларни парваришлаш ва уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришига комплекс тарзда ёндашув, "ижтимоий соҳа ходими" мутахассислигини жорий этиш ва ривожлантириш зарурати каби масалалар мазкур форум ва конференцияларда таҳлил қилинмоқда, улар болаларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг замонавий тизимига изчил татбиқ этилаётир.

***(Давоми 2-бетда).***

## ҲИНДИСТОН БИЛАН АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**ҲИНДИСТОННИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ҲИНДИСТОН ТЕХНИКАВИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК (ITEC) КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ИЛМИЙ ЖАМОАТЧИЛИК, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ITEC ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЛАБА ВА БИТИРУВЧИЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.**

Тадбир меҳмонлари 1964 йилда Ҳиндистон ҳукумати томонидан ҳамкор давлатлар билан икки томонлама техникавий ва иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган ITEC дастури билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Ушбу дастур доирасида дунёнинг 156 мамлакати билан иқтисодий ривожланиш, инсон ресурслари, фан ва технология соҳаларида тажриба алмашиб келинмоқда.

Ўзбекистон 1993 йилдан буён ITEC дастури доирасида Ҳиндистон билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бугунги кунга қадар мамлакатимизнинг мингдан ортиқ эксперт ва мутахассислари ушбу мамлакатда турли соҳаларда, хусусан, ахборот технологиялари, менежмент, бошқарув, банк ва молия иши, таълим ва инсон ресурсларини ривожлантириш, инглиз тили, журналистика, дипломатия, тадбиркорлик, тўқимачилик фабрикаларини бошқариш, сув захираларини ривожлантириш, ННТ ва фуқаролик жамияти каби бошқа йўналишларда таълим олди.

Ҳиндистон элчихонаси вакилларининг таъкидлашича, мазкур дастур давлатларимиз ўртасидаги маданий-инсонпарварлик муносабатларнинг муваффақиятли ривожланиб бораётганидан далолатдир. Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Синхнинг 2006 йил апрель ойида юртимизга қилган ташрифидан сўнг ITEC йўналишида ўзбекистонлик талабаларга ажратиладиган ўрин сони 120 тага кўпайди. Бу эса дастур доирасида бошқа мамлакатларга бериладиган ўринларнинг энг юқори кўрсаткичидир.

**«Жаҳон» АА.**

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Кеча Тошкентда «Style.Uz-2008» дизайн ва мода ҳафталиги доирасида Ёшлар ижод саройида «Асрлар оша, илк бора» номли кўргазма ташкил этилди. Унда «Мерос» антикварлар уюшмаси томонидан тақдим этилган қадимий буюмлар намойиш қилинди. Мазкур ҳафталикнинг тантанали ёпилиш маросими бугун кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.**

● **Тошкентда «Келажак овози» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари учун «Ижтимоий лойиҳа ва бизнес режа йўналиши бўйича» ўқув семинари ўтказилмоқда. Анжуманда республиканинг барча ҳудудларидан 70 дан ортиқ иқтидорли ўғил-қизлар билим ва кўникмаларини оширмоқда.**

● **Аҳолининг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш марказларининг саъй-ҳаракатлари билан жорий йил бошидан буён Қорақалпоғистонда 30 мингдан ортиқ киши ишли бўлди. Шунингдек, 500 дан ортиқ киши қайта ўқитилди ва ўз малакасини оширди, 2,5 мингга яқин аҳоли ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. 24 минг киши эса кичик ва хусусий бизнес, саноат ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожи эвазига янги иш ўринларига эга бўлди.**

● **Республикамиз касб-ҳунар коллежларининг бир гуруҳ ўқитувчи ходимлари Берлиндаги малака ошириш ҳафталик курсларида ўқийдилар. Ушбу хайрли ташаббус ТАСИС дастури бўйича «Ўзбекистонда таълим ва ўқитиш соҳасида ижтимоий ҳамкорлик» лойиҳаси доирасида амалга оширилди.**

● **Янгиер шаҳрида «Кармента-Янтекс» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ишга туширилди. Замонавий тўқимачилик дастгоҳлари билан таъминланган ушбу корхонада бир кеча-кундузда 2 тонна ёки 10 минг погон метр мато ишлаб чиқарилади, ранг бериб тайёр ҳолга келтирилади ва экспорт қилинади. Бугунги кунда корхонада 30 нафар ёш иш билан таъминланган.**

● **Андижон вилояти марказининг 1-кичик даҳасида «Янги бозор» деҳқон бозори ОАЖ фойдаланишга топширилди. 50 та савдо растасидан иборат бу мажмуада сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар муҳайё этилган.**

● **Фарғона шаҳридаги ипакчилик комбинати ҳудудида «Давр медикал центр» хусусий клиникаси иш бошлади. Янги шифо масканида замонавий ташхис қўйиш воситалари мавжуд бўлиб, кундузги даволаш бўлими ишлаб турибди.**

● **Самарқанд вилоятидаги кўзи ожизларга хизмат кўрсатувчи махсус кутубхоналар ходимлари ўртасида «Энг меҳрли кутубхоначи» номли кўрик-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

● **Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев 15 октябрь куни бўлиб ўтган Президент сайловида ғалаба қозониб, давлат раҳбарлиги лавозимини ўзида сақлаб қолди. Марказий сайлов комиссиясининг маълумотига мувофиқ сайлов натижаларига кўра И.Алиев сайловчиларнинг 89,64 фоиз овозини тўплашга муваффақ бўлган.**

● **Америка президентлигига даъвогарлар демократ Барак Обама ва республикачи Жон Маккейн ўртасидаги телебаҳснинг охирги раунди бўлиб ўтди. CNN ва CBS телеканаллари ҳамкорлигида ўтказилган ушбу юзма юз мулоқотнинг асосий мавзуси Америка иқтисодиётини қамраб олган инқирозга бағишланди. Теледебатни томоша қилган америкаликларнинг 58 фоизи унда Обамани ғолиб деб топган бўлса, 31 фоизи Маккейннинг устунлигини айтишган.**

● **Украина молия вазири Виктор Пинзеникнинг билдиришича, мамлакат Бош вазири Юлия Тимошенконинг маҳкамаси муддатидан олдин ўтказиладиган парламент сайловлари учун маблағ ажратишга рози бўлган.**

● **Япония парламенти ўзининг кеча ўтказилган йиғилишида мамлакат иқтисодиётини кўтариш режасини қабул қилди. Шу мақсадлар йўлида 1,81 триллион иен (18 миллиард доллар атрофида) миқдоридаги маблағ ажратилади.**

● **Канада Консерватив партияси парламент сайловларида ғалаба қозонди ва унинг етакчиси Стивен Харпер мамлакат бош вазири лавозимини сақлаб қолди. Шу тариқа қаторасига учинчи бор Канада ҳукумати мутлақ парламенти кўпчиликка эга бўлмаган партия томонидан тузилади.**

● **Кеча Мексиканинг Гватемала билан чегараси атрофида Рихтер шкаласи бўйича 6,5 баллик ер силкиниши содир бўлди.**

● **Кеча Канаданинг ғарбида жойлашган EnCan энергетик компаниясининг газ ўтказгичида портлаш рўй берганлиги туфайли газ таъминотида узилишлар юзага келди.**

● **Жаҳон бозорида нефтнинг баҳоси шиддат билан тушиб кетмоқда. Жумладан, Лондон биржаларидаги савдоларда Brent маркали бир баррел нефтнинг баҳоси 69,97 АҚШ долларигача тушиб кетган.**

● **15 октябрда Хитойнинг олтита вазирлиги ва қўмиталари жорий йилнинг 14 сентябригача ишлаб чиқарилган барча сут маҳсулотларининг таркибида меламин моддаси бор-йўқлигини таҳлилдан ўтказиш учун сотувдан олиб ташлаш тўғрисида қўшма фармойиш чиқарди. Айтиш керакки, айни пайтда сут маҳсулотларидаги меламин туфайли Хитойда уч нафар гўдак ҳалок бўлган ва 50 мингга яқин болалар касалланганини ҳукумат тан олди.**

*Пойтахтимизда 15 октябрь куни Ҳокимият вакиллик органларига сайловлар ва сайловчиларнинг сиёсий маданиятини ошириш масалаларига бағишланган халқаро давра суҳбати бошланди. Унда Ўзбекистон, Россия, Япония, Германия, Италия, Франция, Чехия, Болгария, Словакия, Словения, Польша, Ҳиндистон, Покистон, Канада, Буюк Британия, АҚШ, Нидерландия, Қирғизистон ва Тожикистон каби мамлакатлардан халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа мутахассислари, эксперт-олимлар иштирок этмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.*

# ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДА ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

**Антонио ЛОЧЕ, Италия билан Африка, Лотин Америкаси, Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш бўйича институтнинг бош котиби (Италия):**

— Мазкур анжуман Ўзбекистонда сайлов тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ва эришилаётган ютуқлар билан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш имконини бераётгани қувонарли. Кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон сўнгги йилларда бу борада ижобий натижаларга эришди. Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, юртингиз демократик ислоҳотларни босқичма-босқич изчил амалга ошириш бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи мамлакат ҳисобланади. Европа минтақаси айнан ана шундай тизимни юксак баҳолайди.

Сайлов демократиянинг муҳим институти бўлиб, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий воситасига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда сайловчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш борасида ҳавас қилса арзигулик ишлар амалга оширилмоқда.

**Нирмала Мартанд ЖОШИ, Ҳиндистон-Марказий Осиё жамғармаси директори (Ҳиндистон):**

— Ўзбекистон демократик давлат қуришнинг тўғри йўлини танлаган. Мамлакатингизда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Демократик ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Ўзбекистонда сайлов тизими такомиллашиб бормоқда, бунда сиёсий партияларнинг тутган ўрни ҳам кенгайиб бораётир. 2007 йили бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнида бевосита иштирок этган бўлмасам-да, Ғарб матбуоти орқали сайловнинг халқаро нормаларга тўла мос, очиқ-ошкора ва эркин ўтганидан хабардор бўлдим.

Ўзини ўзи бошқариш институти бўлмиш маҳалланинг юртингиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги, мамлакатни демократик янгилашга қаратилган ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнидаги иштироки фаоллашиб бораётгани эътиборга молик.

**Лорин ОАТС, Британия Колумбияси университети докторанти, Инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва халқаро ривожланиш бўйича мустақил консультант (Канада):**

— Юксак савияда ташкил этилган ушбу давра суҳбати Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар билан танишиш, уларни муҳокама қилиш, турли мамлакатлардан келган соҳа мутахассислари билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, демократик давлат барпо этиш кўп вақт талаб этади. Ўзбекистонда мамлакатни демократлаштириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар эътибор ва эътирофга лойиқ.

Сайлов тизими демократиянинг бир қисми бўлса, унинг иккинчи қисми эркин фаолият юритувчи оммавий ахборот воситаларидир. Юртингизда мазкур соҳаларни такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига, бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишга ва хорижий мутахассисларни жалб этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганига яна бир карра амин бўлдим.

**Петер ЮЗА, Таҳлил, стратегия ва альтернатива институти ижрочи директори (Словакия):**

— Мен Ўзбекистоннинг сиёсий ривожланиш жараёнларини эътибор билан кузатиб бораман. Мамлакатингизда сайловларни халқаро стандартлар талаблари даражасида, эркин ва демократик тамойилларга мос равишда ўтказиш анъанаси тўла шаклланганини диққатга сазовордир.

Бу Ўзбекистон истиқлол йилларида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида улкан муваффақиятларга эришганидан далолатдир. Юртингизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар беришида бу муҳим омил бўлмоқда.

**Мьюша СЕВЕР, АҚШ Янги демократиялар институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори:**

— Мамлакатингизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар таҳсинга лойиқ. Ўзбекистонда навбатдаги парламент сайловларини демократик тамойилларга асосланган ҳолда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилаётгани бунга ёрқин мисолдир.

Мамлакатингизда "Хабеас Корпус" институтининг ташкил этилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқларнинг яққол тасдиғидир.

Тошкентда ўтаётган ушбу халқаро анжуман долзарб аҳамиятга эга. Ўзаро мулоқотлар, фикр ва тажриба алмашув халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**ЎзА мухбирлари
Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.**

# МАҚСАД — ЙЎЛОВЧИЛАРГА КЎПРОҚ ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ

**ТОШКЕНТДА «МЕТРО» ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИГА АЪЗО МЕТРОПОЛИТЕНЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Йиғилишда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг салмоқли натижаларини бераётгани қайд этилди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан йўл қуриш ва таъмирлаш, транспорт корхоналарини замонавий техника билан таъминлаш, янги коммуникация линияларини, жумладан, метрополитен тизимида ҳам ташкил этишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Негаки, транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, унинг имкониятларини кенгайтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Тошкент метрополитени бошқаруви бошлиғи М.Одилов ҳозир Президентимиз қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилаётганини таъкидлади. Шу муносабат билан пойтахтимизда ободонлаштириш, жумладан, транспорт хизмати соҳасида шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун турли қулайликлар яратиш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жамоат транспорти соҳасида автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар сони кўпаймоқда, улар қатнайдиган қулай йўналишлар ишлаб чиқилмоқда, янги транспорт чорраҳалари, кўприклар, пиёдалар учун мўлжалланган ўтиш йўллари фойдаланишга топширилмоқда. Мустақиллик йилларида янги Юнусобод йўналиши ишга туширилгандан сўнг Тошкентдаги ер ости йўлининг умумий узунлиги 39 километрни ташкил этди. 29 станцияни ўз ичига олган учта йўналиш ишлаб турибди. Тошкент метросида бир кунда ўртача 300 минг нафар йўловчи ташилмоқда. Фаолият кўрсатаётган йўналишлар пиёдалар учун қулай ўтиш йўллари билан боғланган. Барча станциялар ҳимоя воситалари, махсус ускуналар билан таъминланган, видеокузатув тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Шунингдек, пойтахтимизнинг айланма ҳалқа йўлига чиқадиган Юнусобод йўналишида яна учта станция барпо этилмоқда.

1992 йилнинг февралида ташкил топган "Метро" халқаро ассоциацияси томонидан мунтазам равишда ўтказиладиган йиғилишларда ушбу соҳадаги фаолиятнинг умумий стратегик йўналишлари ишлаб чиқилиб, тажриба алмашилмоқда. "Метро" халқаро ассоциацияси бугунги кунда МДҲда фаолият кўрсатаётган 15 та – Тошкент метрополитени, Россиянинг 7 та метрополитени, Украинадаги учта, Грузия, Арманистон, Озарбойжон ва Беларусдаги биттадан метрополитенни ўзида бирлаштирган. Шунингдек, ушбу ташкилот таркибига Россия ва Украинадаги вагонлар ва уларнинг бутловчи қисмлари, технологик ускуналар, эскалаторлар, ўқли вентиляторлар, сув чиқариш қурилмалари ва бошқа механизмларни ишлаб чиқарувчи тўртта завод ҳам киради.

Ассоциация ўз аъзоларини илмий-техник тараққиёт ва метрополитенлар хизматлари фаолиятига оид режаларнинг бажарилишини таҳлил қилиш асосида метрода қўллаш учун қулай бўлган энг сўнгги техник ишланмалар ҳамда замонавий технологиялар билан таништириб боради. "Метро" халқаро ассоциацияси асосий эътиборни бевосита замонавий ускуналар ва техник воситаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратмоқда, ҳаракатланувчи таркиб, эскалаторлар ва ер ости шамоллатгичлари фаолияти шулар жумласидандир.

Бу галги йиғилиш иштирокчилари Тошкент метрополитенининг иш тажрибаси, уни ривожлантириш масалаларини катта қизиқиш билан муҳокама қилдилар. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, улар учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш, энг сўнгги техник воситаларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилиш қатнашчиларига модернизация қилинганидан сўнг ўз қувватини анча оширишга эришган Тошкент вагонларни таъмирлаш заводи имкониятларидан фойдаланиш таклиф этилди. Завод цехларида техникани энг замонавий талаблар даражасида капитал таъмирлаш мумкин.

— Мен иш юзасидан кўплаб мамлакатлардаги метрополитенлар фаолияти билан танишганман, — дейди "Метро" халқаро ассоциацияси бош директори Ю.Гришечкин. — Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, Тошкент метроси дунёдаги энг яхши метролардан биридир. У нафақат станцияларнинг меъморий услуби, дизайни ва миллий ўзига хослиги билан, балки юксак даражада техник жиҳозланганлиги, ишончли хавфсизлик тизими бўйича ҳам юқори ўринларда туради. Келгусида Тошкент метроси, энг сўнгги янгиликларни ўзлаштирган ҳолда, янада ривожланади, деб ишонаман.

Йиғилишда Тошкент шаҳри ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири**

# НАВҚИРОН АВЛОД ЭЪТИБОР ВА ҲИМОЯДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Болаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича ўтказилган анжуманларнинг натижаси ўлароқ, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга педагогик-психологик кўмак кўрсатишда илғор усулларнинг жорий этилгани, Меҳрибонлик уйлари болалари ва тиббий кўмакка муҳтож болаларга оид идоралараро маълумотлар базасининг яратилгани, алоҳида ёрдамга муҳтож болалар учун тўғридан-тўғри хизмат кўрсатиш учун ахборот-маслаҳат хизматининг яратилгани, олий таълим масканларида "ижтимоий соҳа ходими" мутахассислигини тайёрлаш бўлимларининг ташкил этилгани ва мазкур тизимда кадрларни қайта тайёрлашнинг самарали усули йўлга қўйилгани шулар жумласидандир.

Юртимизда инклюзив – алоҳида эҳтиёжли болалар таълимини ривожлантириш, бу йўналишдаги таълим масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитиш сифати, мазмуни, самарадорлигини юксалтириш, янги дарсликлар, ўқув-услубий адабиётлар тайёрлаш, педагог кадрлар малакасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда тиббий кўмакка муҳтож болалар учун энг мақбул таълим шароити ва имкониятини яратиш баробарида уларнинг умумий ўрта таълим тизимига ва шу орқали жамиятга интеграциялашувини таъминлаш ҳам доимий эътиборда.

**ЎзА**



# ЁШ РАССОМЛАР ВА ФОТОИЖОДКОРЛАР ТАНЛОВИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН "STYLE.UZ–2008" ДИЗАЙН ВА МОДА ҲАФТАЛИГИ ДОИРАСИДА ЁШЛАР ИЖОД САРОЙИДА ЁШ РАССОМЛАРНИНГ ГРАФИК ИШЛАНМАЛАРИ ВА ФОТОСУРАТЛАР ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ижодкор йигит-қизлардан келган юздан ортиқ эскиз ва фотосуратлар мазкур танловнинг ёшлар ўртасидаги мавқеи тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Улар орасида Ринат Каримов, Армен Авакьян, Алихон, Эрнест Куртвелиев каби профессионал ижодкорлар билан бирга ўз услуби, йўналишига эга бўлиб бораётган рассомлар, фотографларнинг борлиги аҳамиятга моликдир.

Танловнинг дастлабки босқичига Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика рассомлик, Миллий дизайн коллежларининг талаба ва ўқувчиларидан икки юздан ортиқ ижодий иш келди. Уларнинг энг саралари эса дизайн ва мода ҳафталиги доирасидаги ижодий беллашувга тавсия этилди.

Танлов ғолиблари ҳафталикнинг Самарқандда бўлиб ўтадиган тантанали ёпилиш маросимида эълон қилинади.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири**

# ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Ярмаркада иштирок этаётган сайёҳлик фирма ва компаниялари сони йил сайин ошиб бормоқда. 2007 йилда анжуманда йигирма бир мамлакатдан қарийб саксонта сайёҳлик ташкилоти қатнашган бўлса, бу йилги ярмаркада Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, Испания, Греция, Латвия, Чехия, Болгария, Кипр, Туркия, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Малайзия, Корея Республикаси, Украина, Вьетнам, Озарбойжон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон каби йигирма уч мамлакатдан юздан зиёд фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

– Ўзбекистоннинг «Буюк Ипак йўлидаги дурдона» деб аталиши бежиз эмас, – дейди Малайзиянинг "Embassy Alliance" компанияси МДҲ мамлакатлари бўйича вакили Олег Митряков. – Мамлакатингизда сайёҳларни жалб этувчи барча омиллар – дунёдаги энг ноёб тарихий ёдгорликлар, муқаддас зиёратгоҳлар, хушманзара табиат ва файзли гўшалар кўп. Шу боис кўп асрлик тарих, бетакрор маданият ва анъаналарга эга Ўзбекистон жаҳон сайёҳлик бозорида тобора катта обрў қозонмоқда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўлдик. Тошкент – ғоят гўзал ва мафтункор шаҳар. Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси изчил ривожланаётгани, сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча қулайликлар яратилаётгани диққатга сазовор. Малайзияда юртингиз маданияти, тарихи ва бугунги куни билан танишишга қизиқиш катта. Мазкур ярмарка давомида ўзбекистонлик шерикларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ниятидамиз.

Халқаро сайёҳлик фирмалари, миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмонхона ва ресторанлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этаётган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва таклиф этилаётган хизматлар, мафтункор табиат ва тарихий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари, фотоэкспозициялар намойиш этилмоқда. Анжуманга ташриф буюрганлар экотуризм ва спорт туризми, авиатранспорт, меҳмонхона, суғурта ва банк хизматлари, миллий ва ҳудудий сайёҳлик ташкилотлари, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид кўплаб маълумот ва адабиётлар билан танишишлари мумкин.

– Юртимиздаги, хусусан, Самарқанддаги маданий ва тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ҳар қандай сайёҳни мафтун этишига шубҳа йўқ, – дейди Самарқанддаги "Ширин сайёҳ" хусусий сайёҳлик фирмаси директори Гули Раҳматуллаева. – Компаниямиз турли мамлакатлардан ҳар йили уч мингдан зиёд сайёҳ қабул қилади. Шунингдек, Россия, Украина, Туркия каби давлатларга ҳар йили икки мингга яқин сайёҳ жўнатамиз. Сайёҳларнинг қизиқиш ва хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда ранг-баранг сайёҳлик дастурларини ишлаб чиқамиз. Сайёҳлар ўзларига кўрсатилаётган юқори сифатли хизматдан ғоят мамнун.

Икки кун давом этадиган ярмарка доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгроқ жалб қилиш борасида чет эллик мутахассислар билан фикр алмашилади ва ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилади. Хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликка оид битимлар имзоланади.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Мадина УМАРОВА,
ЎзА мухбири**

**СУРАТЛАРДА: ярмаркадан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Анжуманлар*

# ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРГА БОЙ ЎТДИ

**УЧТЕПА ТУМАНИ ҲУДУДИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ БУНДАН 200-300 ЙИЛЛАР ИЛГАРИ ҲАМ ШУ НОМИ БИЛАН АТАЛГАН. ҲУДУДДА ТЕПАЛИКЛАР КЎП БЎЛГАНИ САБАБЛИ, (ЭНГ АСОСИЙСИ УЧТА ТЕПАЛИК ҲИСОБЛАНГАН) ОДАМЛАР ТАБИИЙ ОФАТЛАРДАН САҚЛАНИШ УЧУН АНА ШУ ТЕПАЛИКЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛИШГАН. ИСТИҚЛОЛИМИЗ ШАРОФАТИ БИЛАН ТАРИХИЙ НОМЛАРНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ҲУДУДНИНГ МАЗКУР ҚАДИМИЙ НОМИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ.**

Яқинда туман ҳокимлигида бўлиб ўтган, «Истиқлол ва тарих» мавзуидаги тадбирда ҳам туманнинг ўтмиши ва бугуни, маҳаллалар саришталиги, ободлиги ва инсон соғлиғига хазонларнинг зарарли таъсири ҳақида сўз борди.

— Туманимизнинг тарихи биз учун бир кўзгудир, — дейди Учтепа туман ҳокими Шуҳрат Муҳамедханов тадбирни кириш сўзи билан очар экан. — Кўп қаватли уйларнинг сони камлиги боис ҳам туманимиз аҳолисининг асосий қисмини ерли аҳоли ташкил этади. Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос тарихи бор. Мустақиллик шарофати ва Президентимизнинг ғамхўрликлари боис шаҳримиз ҳудуди кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Биргина туманимиз мисолида олиб қарайдиган бўлсак, кейинги пайтларда жуда кўп бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги-янги бинолар, коллеж, академик лицей, мактаблар, спорт иншоотлари, поликлиникалар қад ростлади. Бозорларимиз харидор ва сотувчиларга мослаштирилиб, қайта қурилди. Кўчалар текисланиб, кенгайтирилди. Маҳалла гузарлари замонавий қиёфада қурилиб, кўпи таъмирдан чиқарилди. Ҳар бир иш замирида халқ манфаати, юрт тинчлиги, ёшлар камолоти мужассамдир. Бугун узоқ ўтмишга назар солар эканмиз, Ватанимизнинг кучи ва қудрати нечоғлик юксалаётганидан қалбимиз фахр ва ифтихор туйғуларига тўлади. Албатта, яшашимиз, меҳнат қилишимиз ва дам олишимиз учун барча имконият ва қулайликлар яратилган. Биз бунинг қадрига етмоғимиз лозим. Айниқса она табиатни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга киради. Бугунги кунда баъзан маҳалла, кўча, ёхуд кўп қаватли уйлар атрофида чор-атрофга ёқимсиз ҳид таратиб, нафасимизни бўғиб, соғлиғимизга зарар етказиб ёқилаётган хазон баргларини кўриб дилимиз хиралашади. Ахир соғлиғимизнинг ашаддий кушандаси ёнимизда бурқсиб турибди-ку. Нега бефарқмиз? Нега бунга йўл қўйиб бераяпмиз. Маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, тиббиёт ходимлари, уйда кексалик гаштини сураётган қарияларимиз, ўзини ҳар бир ишда фаол билган тиниб-тинчимас ёшларимизнинг нигоҳлари қаерга қаратилган? Биз наинки шаҳримиз, туманимиз, балки ҳар бир маҳалла ва кўчамизнинг тозалигига, саришталигига ва тинчлигига бирдай масъулмиз. Бу тадбирдан кўзланган мақсад аввало ўз тарихимизга ҳурмат ҳисси билан қараш, яшаётган масканимизни кўз қорачиғидек асраш, соғлиғимизни авайлаш, ёшларимизни табиатни севишга чорлаш, хазонлар ёқилишининг олдини олишдан иборатдир... Шунингдек, тадбирда тумандаги мавжуд маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари, «Камолот» ЁИҲ ходимлари, хотин-қизлар қўмитаси аъзолари туман тарихига оид қизиқарли маълумотлар, ёшлар тарбиясида табиатнинг ўрни, хазонлар ёқилишининг зарарли оқибатлари ҳақида сўзга чиқишди.

— Ҳар бир маҳалланинг ободлиги, озодалиги, осойишталиги ва тинчлиги халқнинг фаровонлигини таъминлайди, — дейди «Кўркамобод» маҳалласи оқсоқоли Саидкарим Сотволдиев ўз сўзида. — Туманимизнинг тарихи ҳақиқатан ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳар бир маҳалланинг ўз тарихи, ўзига хос урф-одатлари мавжуд. Маҳаллада истиқомат қилаётган фуқаро аввало ўзлигини англаб олиши керак. Мен нега яшаяпман, ортимдан нима қолаяпти, қандай эзгуликка йўғрилган ишларни амалга оширишда кўмаклашдим, деган саволларни ўзига бера олиши керак. Агарда биз маҳалла кўчаларида хазонларни ёқаётган ёки ҳар хил ахлатларни кўча юзига ташлаб кетаётган ҳолларнинг устидан чиқсак, ана шундай пайтда уларга ётиғи билан тушунтириш ёки танбеҳ бериб тўғри йўлга бошлаш ҳар биримизнинг вазифамизга киради. Маҳалламизда тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳар ойда бир маротаба бўлса ҳам саломатликни асраш, маҳалла тозалигига эътиборни қаратиш, табиатни муҳофазалаш, ёшлар камолотига доир тадбирларни ўтказиб келмоқдамиз. Бу тадбирларнинг замирида эса юқорида айтиб ўтилганидек, халқ саломатлиги, юрт тинчлиги, Ватанимиз равнақи ва юксалиши мужассамдир.

Фикр-мулоҳазаларга бой тарзда якунланган тадбир барча иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН "ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ" ЁЗУВЧИ ВА МОҲИР ТАРЖИМОН МИРЗАКАЛОН ИСМОИЛОВНИНГ 100 ЙИЛЛИК ТАВАЛЛУД АЙЁМИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.**

# АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, адибнинг оила аъзолари ҳамда талабалар иштирок этган тадбирда Мирзакалон Исмоиловнинг самарали ижод йўли ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўзбек адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган ижодкорнинг "Фарғона тонг отгунча", "Бизнинг роман", "Ўзингдан кўр", "Одамийлик қиссаси", "Инсон ҳусни", "Қизлар дафтарига" каби роман ва қиссалари кўпгина китобхонларга яхши таниш. Ўзбек китобхонини жаҳон адабиёти хазинаси сари етаклашда адибнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. У Л.Толстойнинг "Тирилиш", "Анна Каренина", Новиков Прибойнинг "Цусима", Жюл Верннинг "Сирли орол", Лопе де Веганинг "Ит пичан емас, отга ҳам бермас", М.Шолоховнинг "Инсон тақдири", Э.Л.Войничнинг "Сўна", Рашод Нури Гунтекиннинг "Чолиқуши" каби асарларини ўзбек тилига моҳирона таржима қилган.

Анжуманда иштирок этган мутахассис ва олимлар Тоҳир Малик қаламига мансуб "Озод инсон ҳақида қўшиқ" асари адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумот берувчи манба бўлибгина қолмай, шогирднинг устозга бўлган чексиз эҳтироми эканини эътироф этишди.

**Гулбаҳор ҚОБУЛОВА,
«Туркистон-пресс»**

